



НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНИМАЛИСТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТИ

Ачилова Нилуфар Мансуровна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

Email: nilufar_uz2002@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларида анималистик фразеологизмларнинг қиёсий таҳлили ва уларнинг лингвомаданий хусусиятлари келтирилган. Хайвон номи билан боғлиқ фраземалар қиёсланаётган тилларнинг маданий контекстидаги ўзаро ўхшаш ҳамда номутаносиблик хусусиятларини ўрганишга имкон беради. Ўрганилаётган фразеологизмларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилган тасвирлар яъни хайвонларга хос бўлган хусусиятлар қиёсий таҳлиллар орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: хайвон номлари, фразеологизмлар, лингвомаданий хусусият, қиёсий таҳлиллар.

ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЗООНИМИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация

В данной статье представлен сопоставительный анализ зоонимических фразеологизмов в немецком и узбекском языках, а также раскрыты их лингвокультурные особенности. Фразеологизмы с названиями животных позволяют выявить как сходства, так и несоответствия в культурном контексте сравниваемых языков. В статье через сопоставительный анализ раскрываются образы и характеристики животных, послужившие основой для формирования рассматриваемых фразеологических единиц.

Ключевые слова: названия животных, фразеологизмы, лингвокультурные особенности, сопоставительный анализ.



LINGUOCULTURAL FEATURES OF ANIMAL-RELATED PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE GERMAN AND UZBEK LANGUAGES

Abstract

This article presents a comparative analysis of animal-related phraseological units in the German and Uzbek languages, as well as their linguocultural characteristics. Phraseological expressions involving animal names make it possible to identify both similarities and discrepancies within the cultural contexts of the compared languages. Through comparative analysis, the traits and features attributed to animals, which served as the basis for the formation of the examined idioms, are revealed.

Keywords: animal names, phraseological units, linguocultural characteristics, comparative analysis.

Кириш. Дунёнинг деярли барча тилларида ҳайвон номлари билан ифодаланган фразеологизмлар орқали инсонлардаги мажозий тасвир, уларнинг характер хусусиятлари, ташқи кўриниш ва ички кечинмалари очиб берилади ва бу ўхшатиш бадиий адабиётда кенг қўлланилади. Бугунги замонавий тилшуносликда бундай фразеологизмлар зоофразема ёки анималистик фразема ҳамда иборалар номи билан юритилади. Немис ва ўзбек тилларидаги анималистик фраземаларни ўрганишда ҳар икки тилнинг этнолингвумаданий хусусиятларини инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун бу тиллардаги ҳайвон номлари билан боғлиқ фразеологик бирикларнинг кўплиги, уларнинг ёрқин ва мажозий маънога эга эканлиги, уларнинг антропоцентрик табиати тилшунослар ва лексикографларнинг диққатини доим ўзига тортиб келади. Бугунги кунда бу икки тилдаги фразеологик луғатларда ҳайвон номи билан боғлиқ фразеологизмлар сон жиҳатидан соматик фразеологизмлардан кейинги ўринда туради.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th June 2025

Асосий қисм. Тадқиқотимизда асосан Бинович Л.Э., Гришин Н.Н.нинг “Немецко-русский фразеологический словарь” луғати, “Дуден” наشريётининг электрон изоҳли луғати (Onlinewörterbuch Duden. URL: <https://www.duden.de/wörterbuch>), немис тилининг электрон луғати Digitales Wörterbuch der deutschen Sprache (DWDS. URL: <https://www.dwds.de>) каби манбалардан немис тилига оид жами 1006 дан ортиқ анималистик фраземалар олинди. Ўзбек тилида эса Шавкат Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғат”и (1978), Ш. Раҳматуллаев, Н. Маҳмудов, З. Холманова, И. Ўрозова, К. Рихсиеванинг “Ўзбек тили фразеологик луғат”и(2002), Н. Маҳмудов, Д. Худойберганаева “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” (2013), М.И. Умархўжаев, К.Н.Назаровнинг “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғати”(1994)дан мингга яқин фраземалар ажратиб олинди. Тадқиқот ишимизни таҳлил қилишда эталон сифатида уй ҳайвонлари, ёввойий ҳайвонлар, қуш ва судралиб юрувчилар туркумига мансуб анимализмларнинг энг кўп кузатилган ва энг кам кузатилган туркумларини таҳлил қилинди.

– уй ҳайвонлари: Hund (ит), Ochse/Ochs (хукиз/бўқа), Sau/Schwein (чучка), Esel (эшак), Katze (мушук), Hahn (товуқ), Pferd (от), Ziege (эчки), Bock (така), Gans (ғоз), Kaninchen (қуён), Lamm (қўзичоқ), Schaf (қуй), Stier (бўқа), Ente (ўрдақ);

– ёввойий ҳайвонлар: Affe (маймун), Bär (айиқ), Elefant (фил), Löwe (шер), Fuchs (тулки), Hase (қуён), Maus (сичқон).

Тадқиқот натижасида анималистик компонентли фразеологизмлар немис ва ўзбек халқ ижодида нисбатан кўп эканлиги кузатилди. Бу миқдор туркий халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг, асосан, чорвачилик, овчилик билан шуғуллангани, табиат ҳодисалари, ҳайвонлар ҳаракати, хусусиятларини синчковлик билан кузатилганлиги билан белгиланади. Фразеологизмларда уй ҳайвонлари номларининг учраши чорвачилик талаблари, шароитига боғлиқ бўлса, ёввойий ҳайвон номларининг кузатилиши, овчилик фаолияти билан алоқадор.

Табиий тилларда барқарор қиёслашлар (ўхшатмалар)нинг пайдо бўлишига инсон тафаккурининг белгилар хусусияти замин бўлди. Қиёсий



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th June 2025

фразеологизмлар тил эгалари учун хос бўлган типик белгилар асосида шаклланган.

Барқарор қиёслаш учта асосий компонентдан ташкил топади: қиёсланаётган субъект (ким ёки нима қиёсланяпти), қиёс объекти ёки эталон-образ (ким ёки нима билан қиёсланяпти), ва қиёслаш асоси (қиёс учун хизмат қиладиган белги)¹.

Эталон-образларни маълум қиёслаш асослари – қиёсланаётган объектлар учун умумий белги ифодаловчи сўзлар билан уйғунлаштириш, В. Н. Телия фикрига кўра, “қимматли лингвомаданий комплекс”ни ташкил этади².

Анималистик фраземалар қаторида мингдан ортиқ немис компаратив фразеологизмлари таҳлили асосида қиёс объекти ёки эталон-образ сифатида хизмат қилувчи 58 та зооним аниқланди. Улар орасида биргина **die Katze(мушук)** лексемасига оид фраземаларни кўриб чиқамиз.

Мушук – шерик ва йўлдош жонивор бўлгани, кемирувчилар ва уйдаги бошқа зараркундаларни ов қилиши сабабли инсон томонидан 10 минг йилдан бери ит билан бир қаторда қадрланадиган уй ҳайвони. Замонавий биологик тизимлаш нуктаи назаридан уй мушуги бу йиртқичлар туркуми мушуксимонлар оиласига мансуб сутэмизувчи ҳайвон бўлиб, ўрмон мушуги *Felis silvestris*’нинг кичик тури ҳисобланади. Бугунги кунда дунё бўйича 600 млн нафарга яқин уй мушуклари, қарийб 200 та мушук зоти мавжуд.

Мушук абжир ва чаққон жонивор бўлгани учун ўзбек тилида шунақа хислатларга эга одамларни таърифлаш учун қўлланади. Шунингдек, мушукнинг товушсиз юриши ҳам бир неча ибораларга асос бўлган. Итдан фарқли ўлароқ, ислом дини мушук асрашга эътироз билдирмаган, аксинча тавсия қилган. Зеро, ҳадисларга кўра, Муҳаммад пайғамбар уйларида мушук боққан. Шундан келиб чиқиб, халқ орасидаги баъзи афсоналарда мушук “пайғамбар орқасини силаган жонивор” сифатида тилга олинади ва яна

¹ Лебедева Л. А. Устойчивые сравнения русского языка во фразеологии и фразеографии. Краснодар: Изд-во Кубанского государственного университета, 1999. –С.169.

² Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа «Языки русской культуры», 1996.С.241-242.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th June 2025

айтилишича, гўё айнан шу сабабли мушук баландликдан ташлаганда фақат оёғи билан енгил тушар, яъни ҳеч қандай зиён кўрмас эмиш.

Қуйида немис тилида die Katze номи билан кузатилган фраземалар:

- eine falsche Katze – ёлғончи аёл (сўзма-сўз: сохта мушук);
- wie die Katze um den heißen Brei herumgehen – гапни айлантирмоқ (сўзма-сўз: мушук қайноқ бўтқа атрофида юргандек юрмоқ);
- der Katze den Schmer abkaufen – аҳмоқ бўлиб қолмоқ, икки қўлини бурнига тикиб қолмоқ (сўзма-сўз: мушукдан чарви ёғи сотиб олмоқ);
- der Katze die Schelle umhängen – қалтис ишни бўйнига олмоқ; ҳамма нарсани ўз номи билан атамоқ (сўзма-сўз: мушукнинг бўйнига қўнғироқ илмоқ);
- Katze und Maus spielen – мушук-сичқон ўйнамоқ;
- das ist für die Katze – зое кетмоқ, беҳуда кетмоқ, елга совурмоқ (сўзма-сўз: бу мушук учун);

Қуйида ўзбек тилидаги мушук зооними иштирок этган ўхшатиш ва ибораларни санаб ўтамыз:

- мушукдай сапчимоқ (сакрамоқ, ташланмоқ) – бирдан кескин ҳаракат қилиб, ўзини отмоқ (асосан одам ҳақида);
- мушукдай (шарпасиз, сассиз) пусиб юрмоқ – эҳтиёткорлик билан, билдирмасдан, панадан ҳаракат қилмоқ;
- мушукдай суйкалмоқ, ялаб-юлкамоқ – эркаланиб ёпишавермоқ, керагидан ортиқ меҳрибончилик қилмоқ;
- мушукдай ҳурпаймоқ – жаҳлланган, хафа бўлган қиёфага кирмоқ;

Фразеологизмлар:

- ит-мушук бўлиб яшамоқ – бирон киши билан адоватлашмоқ, ёмон муносабатда бўлмоқ, доим жанжаллашмоқ;
- сувга тушган (ботган) мушук – тушкунликка тушган, ҳафсаласи пир бўлиб бўшашиб қолган одам;

Мушук лексемасининг кўчма маънода турли тиллардаги ўхшатишлар, фразеологизмларда қўлланишини таҳлил қилар эканмиз, ушбу сўз жуда сермахсулликка ва аксар ҳолларда кўчма маънода ишлатилишига амин бўламиз. Бу инсон мушукни жуда қадим даврлардан бери синчковлик билан кузатганини ва уни ўзи билан қиёслаганини тасдиқлайди. Мазкур зооним энг



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th June 2025

сермахсул бўлган тил бу немис тилидир (27 та мисол мавжуд), шу билан бирга немис тилида сичқон-мушук ўйнамоқ, ит-мушук бўлмоқ, орасидан ола мушук ўтмоқ сингари ибораларнинг айнан аналогларини учратиш мумкин. Ушбу мисоллар барча лингвомаданиятларда мушукнинг ўхшаш жиҳатлари кузатилгани ва тавсифланганини ҳамда кўчма маънода одамларга нисбатан қўлланганини тасдиқлайди.

Энди бевосита статистик таҳлил натижалари ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, немис тилидаги анимализмлар орасида от, ит, чучқа, мушук, қуён, маймун, тулки, айиқ, шер, эшак туркумидаги фраземалар сони кўп эканлиги, шунингдек ўзбек тилида эса ит, от, эшак, қуш, бўри, илон, мол, қуён каби анимализмлар миқдор жиҳатдан кўп эканлиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра, немис тилида луғатларда ҳайвон номи билан боғлиқ фразеологизмлар кўп киритилганлиги, ўзбек тилида эса бу жиҳатларга бироз эътибор қаратилмаганлиги аниқланди.

Немис ва ўзбек тилларида анималистик фразеологизмларининг чоғиштирма таҳлили шуни кўрсатадики, ҳайвон номларига асосланган фразеологизмларнинг луғатларда қайд этилиши ва қўлланиш миқдоридаги фарқлар тиллараро семантик ва маданий хусусиятларни намоён этади. Олиб борилган таҳлилларга кўра, немис тилида ҳайвон номи билан боғлиқ фразеологизмлар сони мингдан ортиқни ташкил этса, ўзбек тилида ушбу кўрсаткич нисбатан паст — тахминан икки юзга яқин бирликларга эга. Бу фарқ бир нечта омиллар билан изоҳланади.

Аввало, немис тилида фразеологизмларнинг луғатлаштирилиши ва стандартлашуви жараёни XIX-XX асрларда ривожланган. Бунда фразеологизмлар адабий тил меъёри сифатида тан олинган ва улар махсус фразеологик луғатларда тўлиқ қайд этилган. Йиллар давомида бу жараён янада мукаммаллаштирилган ҳолда алоҳида луғатлар, қўлланмаларда ўз аксини топмоқда. Бу жараён немис халқининг умумевропа метафорик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳайвон образлари орқали инсон хулқи ва хислатлари, ҳис-ҳаяжон ва эмоционал жараёнларини ифода этиш кенг қўлланилган (Huber, 2009). Масалан, «Schwein haben» (омадли бўлмоқ), «stiller



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th June 2025

Bär» (жасур ва тинч одам) каби бирликлар бевосита ҳайвон номи билан боғлиқ.

Ўзбек тилида эса фразеологизмлар кўпроқ оғзаки нутқ анъанасига таяниб ривожланган. Тарихий жиҳатдан, туркий халқларда фразеологик бирликлар адабий жанрларда камроқ мустаҳкамланган, улар асосан фольклор ва мақол-маталларда учрайди. Шу боис, луғатларга киритилган фразеологизмлар сони чекланган бўлиб, ҳозирги даврдагина ушбу соҳада илмий фаолият кенгаймоқда. Масалан, «ит каби ишламоқ» (қаттиқ меҳнат қилмоқ), «тулкидек маккор» (айёр одам) каби бирликлар мавжуд бўлса-да, улар миқдор жиҳатидан немис тилидан анча кам.

Илмий нуқтаи назардан, бу ҳолат тиллардаги фразеологик системаларнинг типологик фарқлари билан боғлиқ. Немис тилида фразеологизмлар лексик-синтактик тизимнинг узвий қисми сифатида қаралади ва уларни луғатлаштириш жараёнида миқдорий кўрсаткич юқори бўлган. Ўзбек тилида эса ҳалигача кўпгина фразеологик бирликлар нормага айланмаган ва уларнинг луғатдаги қайд этилиши эса ҳали ҳануз ечимини кўтаётган масалалар сирасига киради.

Бундан ташқари, маданий омиллар ҳам аҳамиятли. Немис маданиятида ҳайвон образлари орқали инсон сифатларини баҳолаш кенг тарқалган, бу эса фразеологизмларнинг турли жанрлардаги қўлланишида ўз аксини топган. Ўзбек маданиятида эса ҳайвон образлари кўпроқ мақол-маталлар доирасида сақланган ва адабий тилга кенг киритилмаган.

Бу таҳлилларни баъзи ҳайвонлар мисолида кўриб чиқамиз. Уй ҳайвонлари билан боғлиқ фразеологизмлар ҳар икки тилда ҳам кўпроқ миқдорни ташкил этади. Немис тилида сут эмизувчи уй ҳайвонлари билан боғлиқ фразеологизмлар сони 474 та бўлса, ўзбек тилида бу кўрсаткич 115 тага тенг. Бу, бир томондан, икки халқнинг чорвачилик анъаналари билан боғлиқ. Масалан: Немис тилида «Das Pferd» (от) билан боғлиқ 65 та фразеологизм қайд этилган бўлса, ўзбек тилида бу сони 22 тага тенг. Бу ҳолат Германияда от образининг кенг метафорик қўлланишини кўрсатади.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th June 2025

«Der Hund» (ит) билан боғлиқ фразеологизмлар немис тилида 58 та, ўзбек тилида 38 та бўлиб, бу ерда фарқ камроқ. Бу эса ит образи ҳар икки тилда ҳам қадимдан инсоний хислатларни баён этишда қўлланилганини тасдиқлайди.

Айрим ҳайвонларга нисбатан фарқ янада кескин:

Чучқа образи немис тилида 55 та фразеологизмда учраса, ўзбек тилида бу кўрсаткич бор-йўғи 3 та. Бу эса диний-маданий қадриятлар билан боғлиқ омиллардан бири саналади. Чучқа Марказий Осиё халқларининг диний эътиқодларига мос келмаслиги, бу ҳайвонни имкон қадар ишлатмаслиги, ҳаттоки тилда ҳам қўллашда эҳтиёткорлик билан муносабат қилиш омилларига боғлиқ. (ислом маданиятида чўчка билан боғлиқ ифода ва тасвирлар чекланган).

Хулоса. Келтирилган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, немис тилида анималистик фразеологизмлар миқдори ўзбек тилига нисбатан деярли тўрт баробар юқори. Бу ҳолат немис тилида метафорик моделлар ва фразеологик қўлланмаларнинг кенг қамровда ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқ.

Немис ва ўзбек тилларида ҳайвоний фразеологизмларнинг луғатларда қайд этилишидаги миқдорий фарқ тиллар типологияси, маданий анъаналар ва луғатчилик сиёсатининг натижаси ҳисобланади. Бу фарқни таҳлил қилиш фразеологизмларнинг миллий-маданий ва тилшунослик хусусиятларини чуқур англашга имкон беради.

Адабиётлар руйхати

1. Бинович, Л. Э. Немецко-русский фразеологический словарь / Л. Э. Бинович. – Москва : Аквариум, 1995.
2. Лебедева Л. А. Устойчивые сравнения русского языка во фразеологии и фразеографии. Краснодар: Изд-во Кубанского государственного университета, 1999.
3. Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа «Языки русской культуры», 1996.
4. Маслова В. А. Лингвокультурология. – Москва : Центр Академия, 2001.